



ARTICLE INFO

Received: 05th September 2021

Accepted: 10th September 2021

Online: 15th September 2021

KEY WORDS

Huwaido, poetry, moral and educational, spirituality.

MORAL AND EDUCATIONAL VIEWS OF HUVAYDA

Yuldosh Najmiddin Sardor

2- course Master,
Tashkent State University named after Alisher Navoi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5515179>

ABSTRACT

Huwaido was one of the great figures of Uzbek literature, and it is clear from Huwaido's poems that he studied Arabic and Persian poetry, Uzbek classical literature, religious issues, especially the Koran and hadiths. A mature scientist of his time, he became famous as a poet-mystic and won the respect of the people. Huwaido's educational and moral views are uniquely reflected in his poems. In this study, we attempted to comprehensively analyze Huwaido's educational views in his poems.

ХУВАЙДОНИНГ АХЛОҚИЙ-ТАЪЛИМИЙ ҚАРАШЛАРИ

Йулдош Нажмиддин Сардор

Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ 2-босқич магистри

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-sentabr 2021

Ma'qullandi: 10- sentabr 2021

Chop etildi: 15- sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Хувайдо, шеърият, ахлоқий-таълимий, маънавият.

ANNOTATSIYA

Хувайдо ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлган, Хувайдонинг шеърларидан маълум бўладиги, у араб ва форс шеърларини, ўзбек мумтоз адабиётини, дини масаларни, айниқса, Қуръон ва ҳадисларни мукаммал ўрганган. Замонасининг етук олими, мутасаввуф шоири бўлиб шурат қозониб, халқ хурматида сазовор бўлган.

Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо ўн саккизинчи аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, унинг асарлари ўзи яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам анча шуҳрат қозонди. Хувайдонинг бир қатор замондошлари, шунингдек, сўнги асарлардаги қаламкашлар унинг ижодидан турли қўламда таъсирландилар. (1: 227).

Хувайдонинг отаси Ғойибназар ўз даврида Кошғарда машҳур бўлган пир Офок Хўжа эшоннинг муридларидан бири бўлиб, Чимёнда масжид ва хонақоҳ қурдириб эшонлик қилган. Хувайдо руҳоний оилада тарбия олиб, аввал мактабда кейин Қўқонда мадрасаларида таҳсил кўради. Отаси вафотидан сўнг мактаб ва хонақоҳларда дарс ўқита



бошлади. Хувайдонинг мактабдор-домла сифатидаги фаолияти, таълим ва тарбия соҳасидаги фаолияти ҳақида Мавлоно Носиҳ қуйидаги байтларини ёзади:

Тутиб суҳбат давом умрим борича
Мудом таълима эрди фикр-у ёди
Дабистонда саъй айлаб тун ва кун
Ёзилган неча толибнинг саводи (8:17)

Хувайдо ўзининг маънавий салоҳияти, бадий маҳорати ва фалсафий қарашларига билан XVIII аср ўзбек бадий адабиёти ва мутасаввиф фалсафасига янгича мазмун ва ғоя олиб кирган. Унинг ривожига ғоят баракали таъсир кўрсатган.

У тасаввуфнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб етишда шеърининг барча имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланган. Комил инсон шахсиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берган. (7: 44).

Хувайдо инсон қадр-қимматини ҳамма нарсаян устун қўяди. У ҳаётда доимо инсонга яхшилик қилиш, уни кўнглини шод этиш муҳим деб билади. Шунинг учун ҳам “Абас” радифли ғазалида шундай ёзади:

Бир ғариб кўнглини шод айласанг
Йўл босиб, Каъба сори бормоқ абас.

Улуғ шоирнинг ушбу фикрлари Алишер Навоийнинг машҳур ғазалидаги қуйидаги қарашлар билан муштарақдир.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай(431).

Ҳар иккала шоирда ўзаро яқинлик билан биргаликда ўзига хосликлар ҳам кузатилади. Хувайдо бир ғариб кўнглини шод айлаган киши йўл босиб

Каъбага бориши шарт эмас, деган фикрни илгари сурса, Алишер Навоий кўнгли ўксик кишини хурсанд қилиш бузулган Каъбани обод қилиш билан баробардир, дейди.

Хувайдо шеъринида моддий оламга кўнгли қўйиш қаттиқ қорланади. Шоир турли хил образли тасвирлар орқали бундай кишиларни қаттиқ қоралайди. Бир шеъринида шоир мол-дунёга ружу қўйган кишини гўнг юмалатадиган қора кўнглига ўхшатганди. Хувайдо шу ғояни давом еттириб ёзади:

Берма дунёга кўнгли ҳеч кимга қилган йўқ вафо,
Ким кўнгул берди анга, бўлди Хувайдо б ехабар. (5:24)

Миллатлар тирикчилигидаги салбий иллатлардан бири ёлғончилик, каззобликдир. Шунинг учун қанчадан-қанча покдил кишилар азият чекадилар. Бундан ҳатто ёлғончилар ўзлари ҳам омон қўймайдилар. Бу ҳақидаа Хувайдо халқ мақолларидан оқилона фойдаланиб бундай ёзади:

Расм этгил, эгри ҳаргиз сўзлама,
Эй Хувайдо, келса бошингга қилич! (4:120)

Хувайдо шеърларида ахлоқ-одоб, маънавият, маърифат ва тарбия масалалари алоҳида ўрин тутди: шеър ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, тақводорлик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, камбағалларга шафқатли бўлиш, хайр-у саховатли бўлиш каби энг олий жаноб инсоний фазилатларни тараннум етгади. Нопоклик, бузуқлик, ёлғончилик, фирибгарлик, ўғрилик, риёкорлик, айниқса, мутакаббирлик, зинокорлик сингари жирканч иллатларни қаттиқ қоралайди. Хувайдо инсон табиатидаги ижобий ва салбий



хусусиятлар ҳақида ёзиб, уларнинг оқибатини кўрсатиш учун Қуръон ва ҳадисалардан далиллар келтиргандир (1:230).

Хувайдо шеърларининг аксариятида Оллоҳга бўлган ишқ куйланади. Бу йўлда ошиқ чексиз жабр ва жафоларга гирифтор бўлиб, азоб чекади. Чўл ва биёбонларни кезади, саҳроларда оҳ уриб, йиғлайди кўз ёшини тўкиб нола ва фарёд қилади. Оҳ урганида оҳи ўти осмон шифтига етади. Оҳ ва фарёдлари шиддатлар боис осмон садо қилиб, булутлар йиғлайди, дўзах чидай олмай фарёд чекади:

Оҳ
урсам соф гардунга тигар оҳим ўти,
Шиддатидан ўт чиқиб, айлар садо, йиғла
р саҳоб. (2:182)\

Ёки:
Газаб айлаб, Хувайдони агар солс
анг тамуғ ичра

Фигони нолама дўзах чидай олмай айла
гай фарёд. (5:135)

Хувайдо сўфий шоир, ҳаётини ҳалол меҳнат ва тоат-ибодат билан ўтгазган. Лекин шоир лирик қаҳрамони ўзини гуноҳкор, осий банда деб ҳисоблайди:

Ҳайф умрим фоний дунёда деб ад
о қилдим ғалат,
Билмадим гавҳарни қадрин, кам баҳо қи
лдим ғалат...
Хайр ва эҳсон тоат айлаб, ҳақ ризосин то
пмадим,
Билмадим гавҳарни қадрин, кам баҳо қи
лдим ғалат... (9:12)

Хувайдонинг адабий мероси тасаввуф ва ахлоқий моҳиятига

келганда шуни қайд қилмоқ лозимки у XVIII аср ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқеъга ега бўлган, дунёқараши ва ижоди қарама-қарши қутблардан иборат шеърлардан бири саналади.

Хувайдонинг айрим шеърлари бошдан охиргача, таълимий мазмунга эга. Бундай шеърларида шоир инсон хулқ ва атвори билан боғлиқ бўлган муҳим масалани тасвирлаб, ибратомуз ўғитлар беради. Шоирнинг фикрича, маънавий тубан инсоннинг жонсиз савлат тўкиб турган девордан ҳеч қандай фарқи йўқ:

Киши бўлмаса маънидин хабардор
Ани одам дема, де нақш девор. (7:45)

Шоир ўзининг ўлмас асарлари билан халқимиз маънавий олимини тонг юлдузига ўхшатганини қуйидаги байтда кўришимиз мумкин:
Куюб, ҳасрат билан йиғлаб кетурман уш
бу дунёдан,

Чароғи субҳидам янглиғ кўп ўчмаслик н
ишоним бор. (4:123)

Умуман, Хувайдо шеърлятида фалсафий ва диний-ахлоқий қарашлари ўзига хос тарзда тасвирланади. Шоир миллатнинг маънавият ва маърифатини юксалтирмай туриб жамиятда ижтимоий адолатни тиклаш мушкуллигини увтиради. Шунинг учун ҳам шоир шеърларида замона ва замондошлар билан боғлиқ муаммоларнинг асл сабаблари маънавий қашшоқликдан, иймон-эътиқодсизликда деб билади. Замондошларини маънавий камолотга етишмоқ учун маънавий покланишга даъват айтди.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Аминёр, Сайид Нуруллоҳ. Ўзбек адабиёти тарихи. Жавжон: жаҳони ҳамкорликлар идораси.1388yil
2. Ишонч, Зикрул. Куҳкан, Куҳкан, Муҳаммадолим. Ўзбек адабиёти фарҳанги. Форёб: давлат матбааси. 1374yil.
3. Тўхтасинов, Муҳаммад Мусо. Янги аср авлоди(девон). Тошкент: давлат босмахонаси. 2007yil.
4. Хожаназар Ҳувайдо. Роҳати дил. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мираси нашриёти. 1994yil.
5. Хирадманд.М. Ҳувайдонинг чағатойча девони. Берлин:1902yil.
6. Сулаймонов, Иброҳим. Девон. Тошкент: . Янги аср авлоди давлат матбааси. 2005yil.
7. Шарий Жавжони, Абдулҳаким. Тасавуф ва инсон. Кобул, 2012yil.
8. Ҳувайдо. Ҳувайдо куллиёти. Кобул: Таълими матбааси. 1391yil.
9. Ф.М Гаврилав. Сўфи Ҳувйдо. Тошкент: Ёшлар матбаси. 1994yil.